

5. Бурков В.Н. Теория графов в управлении организационными системами [Текст] / В.Н. Бурков, А.Ю.Заложнев, Д.А.Ноевков. – М.: Синтез, 2001. – 124 с.
6. Виханский О.С. Стратегическое управление. Учебник [Текст] / О.С.Виханский. – 2е изд., перераб. и доп. – М.: Гардарика, 1998. – 296 с.
7. Волкова В.Н. Основы теории систем и системного анализа [Текст] / В.Н.Волкова, А.А.Денисов. – СПб.: СПбГТУ, 1999. – 512 с.
8. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: учебник для вузов [Текст] / Р. А. Фатхутдинов. – 2е изд. – М.: ЗАО «Бизнесшкола»; «ИнтелСинтез», 2000. – 624 с.
9. Фишман Б.Е. Инновационный менеджмент : метод. пособие Ч. I [Текст] / рук. Б.Е.Шишман; ред. М.Н. Скотникова. – К.: РАМО, 1991. 112 с.
10. Теребова С.В. Активизация инновационного процесса в регионе [Текст]: монография/С.В.Теребова, Е.С.Губанова. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН,2009.– 179 с.
11. Теребова, С.В. Роль трансфера и коммерциализации научных разработок в инновационном развитии территории [Текст]/С.В.Теребова //Проблемы развития территории, 2015. – №6. – С. 7-28.



ИҚТІСОДИЁТНИҢ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОХАСИДАГИ МАРКЕТИНГ МОХИЯТИ ВА УНИ АМАЛИЁТДА ҚҰЛЛАШНИҢ НАЗАРИЙ ҲАМДА ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a21

Яхёхонов Ниёзхўжа Баҳроил ўғли –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг таянч докторанти

Аннотация. Мақола иқтисодиётнинг рақамли трансформаллашуви шароитида хизмат күрсатиши соҳасидаги маркетинг мөхиятининг ва уни амалиётда құлланилишининг назарий ҳамда фундаментал асосларига бағылланған бўлиб, унда рақамли маркетингнинг долзарбилиги, тамойиллари, имкониятлари, инструментлари ва технологиялари доирасидаги илмий қарашлар ёритилган. Шунингдек, мақолада миллий амалиётда рақамли маркетингни құллаш ёндашувлари ва илмий тақлифлари берилган.

Ключевые слова: рақамли иқтисодиёт; рақамли маркетинг; Интернет-маркетинг; рақамли маркетинг технологиялари; рақамли маркетингнинг "силжитиши" концепцияси; контекст-реклама; Big Data технологияси; ретаргетинг; мобил маркетинг; электрон почта; вирусли маркетинг; RTB; SMM; SMO; SEO; SEM; коллтекинг.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ СУЩНОСТИ МАРКЕТИНГА В СФЕРЕ УСЛУГ И ЕГО ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Яхёхонов Ниёзходжса Баҳроил углы –
базовый докторант Самаркандинского
института экономики и сервиса

Аннотация. Статья посвящена теоретическим и фундаментальным основам сущности цифрового маркетинга в сфере услуг в условиях цифровой трансформации экономики и его применение на практике, в котором отражены научные взгляды на актуальность, принципы, возможности, инструменты и технологии цифрового маркетинга. В статье также представлены подходы и научные рекомендации по применению цифрового маркетинга в отечественной практике.

Ключевые слова: цифровая экономика; цифровой маркетинг; Интернет-маркетинг; технологии цифрового маркетинга; концепция «продвижения» цифрового маркетинга; контекстная реклама; технология Big Data; ретаргетинг; мобильный маркетинг; электронное письмо; вирусный маркетинг; RTB; SMM; SMO; SEO; SEM; коллтекинг.

THEORETICAL AND FUNDAMENTAL FOUNDATIONS OF THE ESSENCE OF MARKETING IN THE SECTOR OF SERVICES AND ITS PRACTICAL APPLICATION IN THE CONDITIONS OF DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY

Yahyokhonov Niyozikhodzha Bahroil ugli -
basic doctoral student of the Samarkand
Institute of Economics and Service

Annotation. The article is devoted to the theoretical and fundamental foundations of the essence of digital marketing in the service sector in the context of the digital transformation of the economy and its application in practice, which reflects scientific views on the relevance, principles, capabilities, tools and technologies of digital marketing. The article also presents approaches and scientific recommendations for the use of digital marketing in domestic practice.

Key words: digital economy; digital marketing; Internet Marketing; digital marketing technologies; the concept of "promoting" digital marketing; contextual advertising; Big Data technology; retargeting; mobile marketing; email; viral marketing; RTB; SMM SMO; SEO; SEM; call-taking.

Кириш. 2008 йил жаҳон иқтисодий-мoliaвий инқизороз рақамлаштиришга талаб шаклланишидаги илк турткى бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айнан ўша ҳолат дастлабки мoliaвий хизматлар, хусусан тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар инфратузилмасидаги илк рақамли инновацион технологияларни қўллашга қаратилган асосий сабаб ҳисобланди. Бугунги кунга келиб, рақамлаштириш масалалари ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий вазифаларида акс этмоқда. Дарҳақиқат, рақамли технологиялардан фойдаланишининг меъёрий-хукуқий масалалари мамлакат даражасидаги илк қадамлари 2010 йиллардан бошланган бўлса, иқтисодиётда рақамлаштириш сиёсатини юритишнинг долзарб фаоллашуви 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кучга кириши орқали бошланди [1]. Ўша даврдан бошлаб рақамлаштириш масаларига тегишли 30 дан ортиқ меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Рақамли маркетингнинг иқтисодиёт соҳалари, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб бориш сабабларига, аввало, Интернет-маркетинг технологиялари ва уларнинг дастлабки функцияларига боғлиқ деб билишмоқда, масалан: Т.А.Буренина Интернет маркетинг технологиялари дегандан дастлаб “силжитиш” концепциясини қўллаб-кувватлаш орқали маркетинг информацион тизимини таъминлаб туришга қаратилган механизмларни тушунади [2]. Л.М.Капустина ва И.Д.Мосунов эса Интернет-маркетинг технологиялари анъанавий маркетинг 4Р элементларини ўзгартирувчи рақамли ёндашувлардан иборат эканлигини таъкидлайдилар [3]. Бошқа шу каби илмий ёндашувлар эса Интернет-маркетинг технологиялари ҳар қандай шароитда ҳам Интернет муҳитидаги маркетинг коммуникацияси сиёсати ва унинг инструментларидан ташкил топган деб билинади [4].

Мамлакатимиз олимлари ҳам мазкур масалада бир қатор тадқиқот олиб борганлар, уларнинг аксарият қисми IT ривожланиши таъсирида маркетинг технологияларининг трансформацияси натижаси “Интернет-маркетинг” ёки “рақамли маркетинг” шаклланишининг асоси деб таъкидлайдилар. Масалан, Г.Исмаилова рақамлаштириш таъсири остида ривожланиб бораётган информацион-коммуникацион технологиялар бевосита маркетинг имкониятларини янги рақамли босқичга олиб чиқиб, ундаги асосий вазифалар маркетинг тадқиқотлари ҳамда маркетинг стратегияларини танлаш асоси сифатида ҳам кўриб чиққан [5].

Н.Набиева эса, хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг рақобатбардош маркетинг стратегиясини танлашда рақамли технологияларнинг маркетинг технологияларига таъсири, хусусан, маркетинг элементларининг рақамли трансформациядаги янги концепциялари шаклланишига олиб келишини алоҳида таъкидлаб ўтган [6].

А.Абдувоҳидов рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорини ривожлантириш ва такомилаштириш масалаларида маркетинг ёндашувларининг ўрни ҳамда ундаги асосий эътибор мазкур бозор иштирокчиларининг манфаатларига мослаштирилган маркетинг коммуникацияларини яратиш керақ, деган фикрни илгари сўради [7].

К.У.Турабаева ўз тадқиқотларида савдо соҳасининг ривожланиши электрон тижорат даражасига қадар кўтарилиб, электрон тижоратнинг кўлами ортиб бориши ва рақамли иқтисодиётда электрон савдонинг ривожланиш даражаси ва сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилган бўлиб, унда маркетинг инструментларидан фойдаланиш механизмлари белгилаб берилган [8].

Н.У.Мурадова томонидан лизинг хизматлари бозори иштирокчилари, хусусан, лизинг берувчиларнинг маркетинг фаолиятида электрон интерфаол рақамли платформаси орқали лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш самарадорлигини ошириш борасида илмий-амалий таклифлар берилган [9].

Э.Нигманов рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалаларни бошқа соҳавий ва ваколатли органлар билан узвий боғлиқлиги таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар маркетинги элементларини рақамлаштириш орқали ҳал этиш борасида назарий таклифларни келтириб ўтган [10]. Шунингдек, Р.Р.Маджидов ҳам АКТ хизматлари бозорида рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масалалари ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор тадқиқот натижаларини таклиф этган [11].


Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мавзунинг долзарблигини ёритишга қаратилган анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил каби йўналишлари орқали рақамли иқтисодиётнинг хизматлар соҳасида рақамли маркетингнинг назарий ва амалий асослари алоҳида белгилаб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар. Америка маркетинг ассоциациясининг маркетингга берган таърифига асосан, истеъмолчилар учун муҳим товар ва хизматларни таклиф этиш жараёнларидан иборат ташкилий функция сифатида

қаралган экан, ундаги коммуникация компоненти мазкур муҳимликни силжитишида асосий восита эканлигини таъкидлаш мумкин. Шу ўринда, Интернет “универсал ижтимоий эркин коммуникация муҳити” бўлиб, М.Кастельснинг изоҳига кўра, айнан Интернет коммуникацион таъсир этиш жараёнини янги босқичга олиб

чиқиб[12], иқтисодиётнинг барча соҳаларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда рақамили маркетинг технологиялари тўғридан-тўғри Интернет имкониятларига боғлиқ бўлиб қолди, бу боғлиқлик Интернет имкониятларининг шаклланиш босқичлари натижасидир (1-расм).



1-расм. Интернет имкониятлари ривожланиши натижасида рақамили маркетингнинг “силжитиш” концепциялари мезонлари шаклланиши

Манба: Тадқиқотлари натижасида муаллифнинг ишланмаси.

Web 1.0 даври анъанавий маркетингнинг коммуникация сиёсатида маълум бир алоқа имконияти сифатида ўрганилган бўлиб, Интернет-бизнеснинг дастлабки кўринишидир. Бунда маркетингнинг анъанавий технологиялари, яъни direct-маркетинг, кўргазма фаолияти технологиялари, бренд маркетинги кабилар радио ва телевидение билан рақобатга кира олмаган.

Web 2.0 даври Интернет-маркетингнинг дастлабки элементларини шакллантириб, унинг асосий сабаби қидирув тизимларининг такомиллашига боғлиқ бўлди. Web 1.0 даврида якуннида сайт сонлари ошиши, коммуникация каналларининг муҳим эканлигини таъминлади ва қидирув тизимлари, хусусан, Google томонидан ишлаб чиқилган механизм, Интернет-маркетингда реклама ҳаволаларидан фойдаланиш ҳажмини ошириб юборди.

Web 3.0 даври ижтимоий тармоқлар кириб келиши ҳамда ижтимоий веб-лойиҳаларни айнан фойдаланувчиларга имкон қадар мослаштиришни таъминлади, яъни, унда мижозга қаралтилган ёндашувни шакллантириди. Шу билан

бирга Интернет-маркетингнинг кол-лаборация (ҳамкорлик) концепциясига асос солинди.

Web 4.0 даврига рақамили-маркетинг шаклланиши ва замонавий ривожланиш даври деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Рақамили-маркетинг Интернет-маркетинг шаклланиши ва ривожланишининг натижаси сифатида ўрганилса-да, унинг бугунги кундаги моҳияти Интернет-маркетинни бир фаолият ёки коммуникация йўналиши сифатида ўз таркибига олди. Бунинг яна бир сабаби, Интернет-маркетинг такомиллашуви жараёнида “компания – истеъмолчи” ва “истеъмолчи – компания” каби ёндашувлар ишлаб чиқилиши рақамлаштириш технологиялари кўлланилишини талаб этди, бунинг натижасида рақамили маркетингга муҳим вазифа юклатилди, яъни мультиканаллик ва персоналлашув концепцияларига талаб шаклланди.

Юқорида келтирилган ривожланиш босқичлари натижасида рақамили маркетингда “силжитиш” концепцияларининг мазмунан ўзгаришларига сабаб бўлган мезонларни икки гурухга ажратиш мумкин, яъни: ИТ технология-

ларнинг ривожланиши ва маркетингнинг Интернет технологиялардаги интеграцияси.

Илк бор 1995 йил америкалик информатик Николас Негропонте томонидан киритилган "рақамли иқтисодиёт" атамаси ўзида технологик компаниялар ва рақамли иқтисодиётда start-up лойиҳаларнинг базавий таркибини шакллантириш, яъни лойиҳаларнинг технологик жиҳатлари тушунилган[13]. Шу ўринда дастлабки бизнес-модель маркетинги ўзида иккни асосий нуқтаи назарда: биринчиси, мижозлар учун шакллантирилган "cost" (қимматлиги); иккинчиси, ички тизимда "cost"нинг шакллантириш ёндашувлари эътиборга олинган.

Рақамли бозор экотизими концепцияси ва "қимматдорлиги" орқали рақамли платформаларнинг стратегик ёндашувлари ҳамда кириб бориш стратегияларини ишлаб чиқиш нисбатан

осон бўлади. Бунда бир қатор ёндашувларни танлаш мумкин, масалан: шахсий қимматдорликларни яратиш, платформани фақат бир гурӯҳ аудитория учун яратиш, синхрон мослашиш. Аммо ҳар бир рақамли палтформа, аввало бозорнинг очиқлиги ҳамда истеъмолчилар "иттифоқини" сақлаб туриши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маркетинг технологиялари, аввало, маркетинг воситалари зиммасига юкланган аниқ вазифалар орқалигина ишлаб чиқлади ва қўлланилади. Шу каби рақамли маркетинг ҳам анъанавий маркетинг функцияларини инкор этмаган ҳолда асосий маркетинг воситалари билан ишлайди[14]. Бироқ анъанавий маркетинг ёндашувидан қатъий назар, мазкур воситалар ҳам on-line, ҳам off-line ҳолатда фойдаланишни таъминлаши зарур (1-жадвал).

1-жадвал

Анъанавий ва рақамли маркетинг ўртасидаги фарқли томонлари

Таққосланадиган жиҳатлари	Анъанавий маркетинг	Рақамли маркетинг
<i>Кўлланиладиган технологиялар</i>	Анъанавий	Рақамли
<i>Истеъмолчиларининг мавқеи</i>	Кузатувчилар	Иштирокчилар
<i>Рекламанинг таъсири</i>	Намойиш этиш сонига боғлиқ	Интеллект салоҳиятига боғлиқ
<i>Алоқа вакъти ва усули</i>	Вақтга боғлиқ ҳолда бир томонлама	Вақтдан қатъий назар истеъмолчининг ҳарактига боғлиқ
<i>Силжитишдаги маркетинг стратегиялари</i>	Push маркетинг	Pull маркетинг
<i>Самарадорлик таҳлили ва назорати</i>	Дастур бажарилгач, ROI объективлиги паст	Дастур бажарилиши давомида, ROI объективлиги юқори

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган жадвалга асосан рақамли маркетинг ҳар бир соҳада бўлишидан қатъий назар имкониятлари кенг эканлигидан хулоса чиқариш мукин. Шу ўринда, мазкур технологиялар шиддатли равишда ривожнаётганини инкор этиб бўлмаслиги ҳам рақамли маркетингнинг долзарблигини яна бир таъкидлаб ўтиш демакдир.

Рақамли маркетингда қўлланилаётган технологияларнинг асосийларига контекст-реклама, Big Data технологияси, ретаргетинг, мобил маркетинг, электрон почта, вирусли маркетинг, RTB, SMM, SMO, SEO, SEM, коллтекинг кабилар келтирилса-да, улардан фойдаланиш кўрсаткичлар турличадир (2-расм).


Дарҳақиқат, рақамли маркетинг ҳар бир бизнес вакили учун бир қатор имкониятларни яратиб, бу имкониятлар тадбиркорлик субъектларининг анъанавий маркетинг тадбирларига нисбатан кам харажатлилиги билан алоҳида эътиборни қаратмоқда ва шу ўринда "рақамли маркетинг нафақат рақамли технологияларни қўллаш имконини беради, балки янгича рақам-

ли муҳитда янгича қараш ва ёндашувларни шакллантиради" десак муболага бўлмайди. Шу билан бирга, рақамли маркетингнинг бизнес соҳасида қуидаги устунлик жиҳатларини оширишни таъминлайди, буларга:

- жараёнларнинг оптималлашуви, яъни рақамли технологияларни ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида автоматлаштиришни таъминлайди ва шу орқали бизнес вакилининг ташқи муҳитга мослашувчанлиги ва эгилувчанлигини оширади;

- янги даромад манбаларини аниқлаш, бунда бозорнинг янги сегментлари кашф этиш ҳам мумкин;

- хизмат кўрсатишнинг жозибали ва персонал инфратузилмасини шакллантиради, бу ерда рақамли маркетингнинг асосий концепцияси фаоллашиб, ҳар бир маркетинг тадбири аввало, истеъмолчининг персонал хусусияти, эҳтиёжи, салоҳиятига мослашишни талаб этади, ва бу албатта, истеъмолчи томонидан алоҳида эътибор билан қабул қилиш эҳтимолини оширади.



2 – расм. Рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланиш таҳлили, %

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса ва таклифлар. Келтирилган алоҳида жиҳатлар рақамли маркетингнинг хизматлар соҳасида қанчалик қулай ва ихтисослашиш салоҳияти мавжудлигини яна бир таъкидлайди, яъни бунда хизмат кўрсатишдаги асосий мезонларга мослашишини (истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги шахсий алоқалар, номоддий хусусиятлари, хизмат кўрсатишдаги маълумот алмашинувини) белгилаб беради. Шунинг учун ҳам, рақамли маркетинг, аввало, хизмат кўрсатиш соҳалари (чакана савдо, туризм, консалтинг)да ҳамда сервисни жорий этиш орқали маржинал даромадни шакллантира олувчилар (банк, суғурта, хусусий клиникалар)да муваффақиятли фойдаланилади.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар натижасида рақамли маркетингнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги имкониятларини қўйидаги йўналишларда алоҳида ажратиб ўтиш мумкин:

- таргетлаштирилган рекламадан фойдаланиш;
- маркетинг ва консалтингнинг online консультацион хизматларини таклиф этиш;

– истеъмолчилар томонидан мобил иловалар орқали рақамли хизматларни таклиф этиш;

– аҳолининг рақамлаштиришга қизиқишидан фойдаланган ҳолда аҳолининг мойиллигини ошириш;

– қўлланилаётган маркетинг стратегияси борасидаги статистик таҳлилларни ўтказиш ҳамда назоратини олиб бориш;

– истеъмолчилар билан самарали маркетинг коммуникацияларни ўрнатиш;

– маркетинг маълумотларини имкон қадар жозибали етказища самарали каналларнинг мавжудлиги;

– маркетинг тадқиқотларини ўтказиша тўсикларнинг нисбатан камлиги.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш корхоналарининг бошқар бир иқтисодиёт соҳаси субъектларига нисбатан ташки мұҳитга тезкор мослашувчанлик хусусияти мавжудлиги рақамли технологияларининг шиддат билан ривожланиб бориш шартини қабул қилиши ҳамда уни жорий этиш тезлигига ҳам тўлиқ мос келади. Бу эса рақамли маркетинг технологияларини хизмат кўрсатиш соҳасига қўллаш имконини кенгайтиради ва мазкур масала ечимининг долзарбилигини алоҳида белгилаб беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.07.2018 йил ПҚ-3832-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/3806053> (мурожсаат санаси: 01.12.2021 й.)
2. Буренина Т.А. Персонализация маркетинга на базе Интернет-технологий: автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05. – М., 2003. – С. 10.
3. Капустина Л.М., Мосунов И.Д. Интернет-маркетинг. Теория и практика продвижения бренда в сети : монография. – Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2015. – С. 12–14.
4. Курасова М.А. Совершенствование маркетинговой деятельности предприятий на основе внедрения Интернет-технологий: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2005. – С. 11.; Комлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг-менеджмент: пер. с англ. – 15-е изд. – СПб.: Питер, 2018. – С. 26; Belch G. E. Advertising and Promotion: An Integrated

Marketing Communications Per-spective. – N. Y.: McGraw Hill, 2017. – P. 37–39.; Pelsmasker P. Marketing Communications: A European Perspective. – Slovenia : Svet Print, 2013. – P. 486–487.

5. Nasruddin, Ellisha Dr.; Ismoilova, Gulnora PhD; Rakhmatullaeva, Nargiza Associate Prof.; and Khodjaeva, Shodiyabonu Associate Prof. (2021) "THE ROLE OF INFORMATION TO DEVELOP MARKETING," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 22.

6. Набиева Н. 2021. Научно-теоретические основы разработки маркетинговых стратегий развития предпринимателей услуг в условиях цифровой экономики. Общество и инновации. 2, 4 (авг. 2021), 19–26. DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4-pp12-19>.

7. Abduvohidov, A. prof. and Makhhammadiev, M. (2020) "ISSUES OF THE STUDY OF THE LABOR MARKET IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 6 , Article 27.

8. Турабаева К.У. Рақамли иқтисодиётда электрон савдоning ривожланиш хусусиятлари. // "DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR" International scientific-practical conference on March 25-26, 2021. <http://papers.conference.sbtue.uz/>

9. Мурадова, Н. У. Специфика рынка лизинговых услуг и используемых в них маркетинговых инструментов / Н.У.Мурадова // Глобальные проблемы модернизации национальной экономики: Материалы VIII Международной научно-практической конференции, Тамбов, 17–18 апреля 2019 года / Ответственный редактор А.А. Бурмистрова. – Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р. Державина, 2019. – С. 493-499.

10. Нигманов Э., Ҳамроев У., Севинов Ж. Рақамли бозжона тизимида хизматларни ривожлантиришинг долзарб масалалари. // Ўзбекистон бозжона ахборотномаси. №2. –Т., 2020. 3-9-б.

11. Маджидов Р.Р. Ахборот-коммуникация хизматлари бозорида рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш. // "Рақамли иқтисодиёт: Иқтисодий ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболлари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалари ва маъruzалари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. 380-383-б.

12. Кастельс М. Галактика Интернет: размышления об Интернете, бизнесе и обществе: пер. с англ. – Екатеринбург: У-ФАКТОРИЯ, 2004. – С. 5.

13. Negroponte, N. Being Digital / N. Negroponte. – New York: Alfred A. Knopf, 1995. URL: <http://governance40.com/wp-content/uploads/2018/12/Nicholas-Negroponte-Being-Digital-Vintage-1996.pdf>

14. Лунева Е.А. Современные маркетинговые технологии [Электронный ресурс]: учеб. пособие / Е.А. Лунева. – Эл. изд. – Омск: Изд-во ОмГТУ, 2017. – 112 с. ISBN 978-5-8149-2418-6